

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 846-ҳадис

846/1760 – عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: رُحِّصَ لِلْحَائِضِ أَنْ تَتَنَفَّرَ إِذَا أَفَاضَتْ.

قَالَ: وَسَمِعْتُ ابْنَ عُمَرَ يَقُولُ: إِنَّهَا لَا تَتَنَفَّرُ، ثُمَّ سَمِعْتُهُ يَقُولُ بَعْدُ: إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَحَّصَ لَهُنَّ.

846.1760, 1761. Ибн Товус отасидан ривоят қилади:

«Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: «Ифоза тавофини қилган бўлса, ҳайзли аёлнинг қайтишига рухсат этилди», деди.

Ибн Товус айтади: «Ибн Умарнинг «У (ҳайзли аёл) қайтиб кетмайди», деганини эшитгандим. Кейинроқ унинг «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга рухсат берганлар», деяётганини эшитдим».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI